

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 79 (1140), 2024 йил 25 апрель, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Янги Ўзбекистон руҳи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

юксалишларнинг бош мезонига айланмоқда



Кейинги ўн йилликда дунё таҳликали ривожланиш палласига кириб бормоқда. Хомашё, технология, профессионал ишчи кучи ва капитал бозорларида, товарлар экспорти ва транспорт коридорларида, халқаро кооперация ва интеграция занжирида мисли кўрилмаган сиёсий таранглик кузатилмоқда.

Жаҳон сиёсати ва иқтисодиётнинг глобал иштирокчилари халқаро муносабатларнинг аънавий услуби ва тамойилларидан четланиб, миллий манфаатларини илгари суришни мурасасиз йўлга ўтиб олмади. Бу эса илгор иқтисодий тараққиёт траекториясига чиқиб олган Ўзбекистондек динамик ривожланаётган давлатлардан глобал рақобатда самарали иштирок этиш ва ўзига муносиб ўринга эга бўлишнинг энг замонавий ва креатив драйверларини излаб топишни талаб этипти.

Дунёда кечаётган чуқур трансформация жараёни ҳар бир мамлакатдан давлат сиёсати ва бошқарувида самарали ислохотлар ўтказиш, рақобатбардош ва изчил бошқарув институти сифатида фаолият юритиш, шунингдек, давлат хизматчиларининг касбига садоқатли, замонавий профессионал билим ва малакага эга бўлишини ҳамда фаолиятда юқори натижага эришишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистондаги давлат сиёсатининг пировард мақсади ислохотларнинг ҳар бир маҳалла, хонадон ва фуқаро ҳаётида, халқ фаровонлиги ва орзу-умидлари ушалишида акс этишига қаратилган. Бунинг натижасида халқ давлатдан рози бўлади ва унинг сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

► Давоми 3-бетда

УЙФОҚ ФИКР

ФАОЛ ҲАРАКАТ ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

Бугун жамиятимизга маърифатли, баркамол, келажакни ишонч билан топшириш мумкин бўлган, ўз зақоси ила дунёни бошқариш салоҳиятига эга ёшлар керак. Шундай экан, ўзини мамлакат тараққиётига дахлдор деб билган ҳар бир киши кучли мафкурага суяниб иш кўриши давр талабидир. Инсоннинг яшаётгани, борлиқда мавжудлиги унинг руҳидан, ҳаракатидан, онгу тафаккурдан, амалларидан англанади. Мафкура эса шу руҳни тириклик суви билан суғорган ҳолда инсонийлик моҳиятини белгилаб беради.

Халқимиз узоқ йиллар миллий мафкура қудратини англамай яшаган пайтлар ҳам бўлди. Асл бирдамлик, барҳаёт куч ва салоҳиятнинг намёнэ этувчи миллий ғояларимиз фақат баландпарвоз широлару ҳайқириқлар соясига беркинди. Аммо халқ иродаси букилмади. Бугун миллий яқдиллик, бирдамлик билан янги Ўзбекистонни қураётган халқнинг тафаккури ҳам, мафкураси ҳам янгирач.

Дунё турли мафкуравий таҳдидлар, ахборот хуружлари гирдобига тушиб қолаётган айна пайтда юртимизнинг очик, прагматик, конструктив руҳдаги кенг қўламли ички ва ташқи сиёсати мавжуд мураккаб муаммоларни ижобий ҳал қилиш, қўшни ва узоқ хориж мамлакатлар ўртасидаги хавфсиз савдо-сотик, борди-келди масалаларини дипломатик ечишда самарали роль ўйнамоқда.

Президентимизнинг Тожикистонга давлат ташири нафақат шу мамлакат, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари



билан дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг амалдаги ифодаси бўлди. Фан, таълим, маданият соҳасидаги интеграциялашув, минтақавий, халқаро муносабатлардаги ўзаро иқтисодий шериклик масалалари бугун янги босқичга кўтарилмоқда. Бу эса халқларимизда шакланган бирдамлик руҳи мустаҳкамланишига, миллий санъат тарғиботи рақобатига хизмат қилиши шубҳасиз.

Ҳаётнинг ўзи Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилигини кўрсатмоқда. Янги жамиятнинг тақдирини, миллатнинг келажакни юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элтак вакилларининг аҳил-иноклигига боғлиқ, бир мақсад йўлида "Шу азиз Ватан — барчамизники", дея фидойийлик қилиш мамлакатда юртилаётган сиёсатнинг халқчил ва адолатли эканидан далолат.

Ўзбекистон ўз олдига энг юксак, ўта маънавий вазибаларни қўйиб, уларни бажариш фақат ўзимизнинг қўлимизда экани, ҳеч ким ташқаридан келиб муаммоларимизни ҳал этиб бермаслиги ҳам бугун кундек равшан. Бунинг тараққиёт ҳис қилиш эса одамларда ижтимоий фаоллик, мамлакат тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтиради.

Миллий ўзлиқни англаш жараёни осонликча кечгани йўқ. Бу жараён эски тузум тамомила вайрон бўлган, янги, ёш жамият эса энди-энди оёққа тураётган, унинг ижтимоий муносабатлари аста-секин қарор топаётган бир пайтга тўғри келди.

Ўтган ҳафта муштарак тарихий мерос, маънавий қадрият ва аъналаримизни асраб-авайлаш ва тарғиб қилиш бўйича самарали фаолияти, шунингдек, биродар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун

Ўзбекистон ва тожикистонлик бир гуруҳ маданият ва санъат арбоблари қаторида менга ҳам фахрий унвон берилди. Ўша лаҳзаларда юқоридаги мулоҳазалар ҳаёлимдан ўтди.

Мен ҳам миллионлаб юрдошларим қатори ўз фарзандларим, набираларим янада фаровон ҳаёт кечирishi, тинч ва осойишта яшашини истаيمان ҳамда шу мақсад йўлида бор кучимни сафарбар этишга тайёман. Бағрикенг, меҳр-оқибатли, сабр-қаноатли халқимизнинг бугунги шиддати, азму қарори, янада ёруғ, тароватли кунларга ишончи су-саймасин, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларимизга Яратганнинг ўзи маддакор бўлсин.

Муножат ЙЎЛЧИЕВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ артисти,
Тожикистон халқ ҳофиси

КУН НАФАСИ



ХОРИЖИЙ ҒЎЗА НАВЛАРИ

ПАХТАЧИЛИҚДА ЮҚОРИ МАРРАЛАРГА ЭРИШИШДА ҚЎЛ КЕЛАДИ



"Дехқонки, донна сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлини очар... Олам маъмурилик алардин, олам аҳли масрурлиги алардин. Хар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам кут еткурур, ҳам баракат".

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бугун ҳам дехқончиликда донна сочилаётган, ризқ йўли очилаётган, элга кут-баракат ёғаётган палла. Ўз вақтида экилган сифатли уруғ бунга имконият яратади. Ана шундай хабарлардан бири Сурхондарёдан келди. Вилоят пахтакорлари жорий йилда режадаги 72 минг 270 гектар майдонга тўлиқ чигит қадаб, айна пайтда ғўза униб чиққан далаларга ишлов берапти. Қолган вилоятларда ҳам тупрок-иклим шароитидан келиб чиққан ҳолда пахта экиш ишларини ниҳоясига етказяпти.

"Ўзагроинспекция" ахборот хизматининг хабар беришича, бу йилги ҳосил учун 1 миллион гектарда чигит экиш режалаштирилган. Бунинг учун 50 минг тонна уруғлик чигит талаб этилади. Ғўзанинг иқлим шароитига мос 22 та эртапишар, 3 та ўртапишар, 4 та ингичка толали ҳамда 24 истиқболли ва янги навини экиш мўлжалланган.

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида пахта ва галла ҳосилдорлигини ошириш, жумладан, пахта ҳосилини ўртача 45-50 центнерга, галла бўйича 80-100 центнерга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун хориждан ҳосилдорлиги юқори уруғлик олиб киришга рухсат бериш, пахтада 5 та ва галлада 8 та янги тезпишар, серҳосил навини танлаш ва жойлаштириш, танлаб олинган навлар майдонини ҳар йили камида 10 фоиз кенгайтириб бориш, замонавий ресурс тежамкор технологияларни пахта ва галла майдонларининг 40-50 фоизда жорий этиш вазифаси қўйилган.

— Ўтган йили соҳада ишлаб чиқариш 4,1 фоиз ўсиб, 426 триллион сўмини ташкил қилди, — дейди қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Одижон Иброҳимов. — Экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етди. Илк бор 3 миллион 700 минг тонна пахта, 8 миллион тонна галла ҳосили олинди. Бундай рақамлар яқин тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган.

Президентимиз раислигида шу йил 12 февраль кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида ер ва сув ресурслари чекланган шароитда қишлоқ хўжалиги масъуллари жорий йилда мутлақо янгилаш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, юртимизда бир гектар майдондан олинмаган ўртача ҳосил илгор мамлакатлардагига қараганда кам. Лекин ўғит ҳам, ёқилги ҳам, сув ҳам икки қарра кўп ишлатилади.

► Давоми 4-бетда

Долзарб мавзу

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ НИМА УЧУН КЕРАК?

ЁХУД МАҚСАД — ҲУДУДЛАРНИ ЭМАС, ОНГНИ ЭГАЛЛАШ

Яқинда ўтган асрнинг 40-йиллари охирида суратга олинган фильмдан лавҳа кўриб қолдим. Унда бир дастурхон атрофида миллатимиз вакиллари, асосий қисми қизлар бўлган даврада ҳамма пиво ичиб ўтирибди. Ҳаттоки қиз битта пивони қўлига олиб, иккинчисини отасига узатяпти. Бу лавҳа диёримиздаги худди одатдаги ҳаётини воқеалар сингари акс эттирилган.

Аслида, бу ҳолни ўша даврнинг мажбурий сингидрилган мафкураси, деб қабул қилиш мумкин. Аммо ижтимоий тармоқлар орқали бугун ўзбек аудиториясига берилмаган манзарани нима деб аташ мумкинлигини ҳам билмайсан киши.

Биргина "Тик-ток" бугун даярли аксарият фойдаланувчиларнинг сеvimли тармоғига айланиб улгурди.

Унда берилмаётган лавҳалар (энг қизиги, ўзбеклар томонидан Ўзбек тилида ижро этиладиган) тармоқ истеъмолчиларининг ҳаммасини ўзига ром этиб бўлди. Афсуски, бизга ёт мафкуралар турли усулларда ёпирилиб кириб келмоқда, десак муболаға бўлмайди...

► Давоми 5-бетда

Юлдузлар мангу ёнади





Тараддуд

ЎЗБЕК РАҚС САНЪАТИ ҚАЛЪЛАРНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Хива “Лазги” халқаро фестивалига тайёр

Бугун қадим Хоразмнинг афсонавий Хива шаҳрию Ичан қалъадаги кўҳна арк майдони катта бир тадбир тадориги ила файзиёб ва шукуҳли. “Лазги” II халқаро фестивали олдида Маданият вазирлиги, Хоразм вилоят ҳокимлиги, юртимизнинг тажрибали режиссёр, бастакор, раққосларидан ташқари бир қатор бошқарма ва идоралар ходимлари ҳам белни маҳкам боғлаган.



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарориди тадбир муносабати билан Ичан қалъа мажмуаси ҳудудида рақс санъатига оид кўргазма, миллий соз ва либослар, хунармандлик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видеодисклар, китоб, альбом, фотосуратлар намойиши ҳамда уларнинг савдосини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Аини мақсадлар учун тадбирлар ўтадиган ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, саҳна майдонлари ва залларнинг талаб даражасида тайёрлинишига алоҳида эътибор берилляпти.

Эндиликда ҳар икки йилда ўтказилиши анъанага айланган мазкур фестивал ҳам тобора такомиллашиб, йилдан йилга сайқал топаверади. Чунки ҳар гал янги-янги ғоялар туғилади, йўл қўйилган камчиликлар тўзатиб борилади. Бинобарин, бу йилки халқаро тадбир Хоразм лазги рақсининг асрий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, шу орқали халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик қўлами ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Илк маротаба 2022 йилда бўлиб ўтган “Лазги” халқаро фестивалида кўлаб давлатлардан 175 дан зиёд рақс санъати устаси, профессионал рақс жамоалари, санъатшунос

олимлар, маданият соҳаси намояндалари иштирок этган эди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган, 27 апрель кунини тантанали очилиши кўзда тутилган II фестивалда бугунга қадар Франция, Тожикистон, Туркманистон, Қозғистон, Беларусь, Россия, Туркия, Қирғизистон, Сербия, Бразилия, Покистон, Италия, Жанубий Корея, Индонезия, Миср, Ҳиндистон, Озарбайжон, Эрон каби кўлаб давлатлардан бадий жамоалар иштирок этиш истагини билдирди. Тадбирнинг бадий қисмида Миср, Қозғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Маданият вазирлари ҳамда АЙСЕКСО бош директори фахрий меҳмон сифатида иштирок этиши кутилмоқда. Германия, Жанубий Корея, Ўзбекистон, АҚШ, Қозғистон каби давлатлардан эса ҳақамликка номзодлик учун аризалар келиб тушган.

Халқаро фестивалда Ўзбекистон номидан иштирок этиш истагини билдирган жамоа ва иштирокчиларни саралаш тадбири жорий йилнинг 13 апрель кунини ўтказилди. Натижада 3 та ашула ва рақс ансамбли ҳамда 3 нафар яккахоҳон ижрочи иштирок этиши белгиланди.

Шунингдек, Маданият вазирлиги томонидан ташкил этиладиган халқаро илмий-амалий конференцияда қатнашиш учун

илмий тадқиқот қилаётган олимлар билан ҳамкорликка жиддий эътибор бераймиз. Икки йил аввал бўлиб ўтган фестивалдан сўнг ҳамкорларимиз кўпайди. Ҳозиргача 10 га яқин давлатда “Лазги” рақси ҳақидаги монографиялар босилди. Индонезияда, Таиландда халқаро конференциялар ўтказдик. Насиб қилса, академиямиз ҳузурида ушбу рақсининг 9 та турини илмий-амалий тадқиқ қилиш мақсадида “Лазги” илмий-амалий марказини ташкил этамиз.

Дарҳақиқат, аини пайтда фестивалдан фестивалгача нималарга эришилди, деган саволга жавобан айтсак, “Лазги” фестивали мисолида илмий натижалар бор. Ўзбекистонда Г.Матёкубова, Ш.Тоҳтасимов, Ҳ.Ҳамроевнинг “Хоразм “Лазги” рақсининг тарихи” монографияси, Индонезияда инглиз ва индонез тилларида “Лазги” — муҳаббат ва қалб рақси” китоби, Мисрда инглиз ва араб тилларида “Лазги” — Хоразм санъатининг дурдонаси”, Ҳиндистонда инглиз ва ҳинд тилларида “Лазги” — муҳаббат ва қалб рақси” рисоалари катта ададда чоп этилди. Илмий изланишларнинг натижалари Туркия, Ҳиндистон, Миср, Таиланд, Индонезия, Қозғистон, Россияда ўтган халқаро илмий-амалий конференцияларда олимлар ҳукмига ҳавола қилинди.

Чет эл олимларининг қарашларини, қизиқишларини янада оширишда фестиваль доирасида намойиш этилиши режалаштирилган ўзбек фильмларининг ҳам аҳамияти катта. Чунончи, Кинематография агентлиги буюртмаси асосида яратилган “Ўзбек рақси сеҳри” фильмида рақс санъатимиз хорижий давлатларда тараннум этилаётгани акс этса, “Рақс жозибаси” фильми ўзбек рақс санъати, унинг мактаблари ҳақида ҳикоя қилади.

Умуман олганда, “Лазги” халқаро фестивалига нафақат хоразмликлар, балки бутун ўзбек халқи руҳан, қалбан тайёрланыпти. Унга ҳаммамиз меҳмонимиз, десак хато бўлмайди. ЮНЕСКО томонидан номоддий бойлик сифатида эътироф этилган “Лазги” ўзбекман, дея кўксига урган барча-барчанинг миллий мулки.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Эътироф

Қачондир икки халқ етакчилари қўлидан юксак мукофотни қабул қилиб оламан, деб ўйламаган эдим. Бундай олий унвоннинг берилиши мен учун унутилмас воқеа бўлиб, икки халқ учун янада тинмай меҳнат қилишга ва ишонччи оқлашга ундайди. Бу эса юксак масъулият. Тожикистон халқига қандай хизмат қилган бўлсам, Ўзбекистон халқига ҳам шундай хизмат қилишга бел боғлайман.

ИККИ ХАЛҚ ОЛДИДА ТАЪЗИМДАМАН

Тўлқин ТОҶИБОВЕВ,
Тожикистон ва Ўзбекистон халқ артисти, Бобожон Гафуров тумани “Шашмақом” ансамбли раҳбари



Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш борасидаги жасоратлари таҳсинга лойиқ ва бу биз учун бебаҳо неъмат, десам хато бўлмайди. Президентларимизнинг бундай дўстона ташаббуслари ҳаммага ибрат. Эт билан тирноқни ажратиб бўлмаганидек, бизни ҳам бир-биримиздан ажратиб имконсиз.

Ўзбек ва тожик — дили ва маслага бир халқлар. 6-7 йилнинг нарисидидаги вазият қандай эди-ю, ҳозир қанақа? Илоҳим, бу дўстлигимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Икки халқнинг хурсандлигини кўриб, Яратганга чексиз шуқроналар айтаман. Мен ўзимни тожик ва ўзбек эли фарзанди деб биламан. Мақом санъатимизнинг юксак устунларидан бири устоз Жўрабек Набиев билан доимо маслаҳатлашиб тураман. Устоз ҳам мени мукофот билан қутлар экан, масъулиятни янада ҳис этиб ҳаракат қилишимиз зарурлигини таъкидлади.

Қўшиқларимнинг асоси Ватан ва дўстлик мавзуларидан иборат. Аини пайтда Сўғд вилоятининг Бобожон Гафуров туманидаги мақомчилар ансамблига раҳбарлик қилиб келаман. Ниятим — келажакда халқларимизнинг мақомга қизиқишини янада юксалтириш. Аиниқса, ёшлар ўртасида мақом санъатимизни янада кенг тарғиб этиш. Бугун ёшларимизнинг мақомга иштиёқи охири бораётгани қувонарли ҳол. Албатта, бу йўлда ҳам бор маҳоратимни ишга соламан. Шунингдек, насиб этса, Ўзбекистон телевидениеси орқали чиқиш қилиш ниятидаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Тожикистон ҳамда Ўзбекистон раҳбарларига чексиз ҳурматимни изҳор этмоқчиман. Бошланган хайрли ишларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин!

Яшил макон

БАРЧАМИЗДАН БОҒ ҚОЛСИН

Яшиллик ҳам табиатни, ҳам инсонни соғломлаштиради. Шу сабабдан ота-боболаримиз умри давомида кўпроқ кўчат экиш, боғ яратишга ҳаракат қилганларки, бу миллий анъанага айланиб қолган. Чақалоқ туғилганда ниҳол қадаш удуми ҳам айнан шу анъананинг бир қисми, десак рост бўлади.

Табиатни яшатиришга ҳаракат бугунги кунда ҳам халқимизнинг эзгу одати. Бунга давлатимиз миқёсда эътибор қаратилгани эса унга янги қиёфа бахш этади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси шу эътиборнинг аини исботи, десак адашмаймиз.

Тошкент шаҳридан Нурафшонга йўл оларкансиз, шаҳарга қираверишда янги боғ яратилаётгани, улар сони яна биттага кўпаяётгани эътиборни тортади. Мазкур боғ Ўзбекистон касабаношушлари федерацияси томонидан барпо этилмоқда.

Янги боғ Нурафшон шаҳридаги Кумарик маҳалласида жойлашган. Майдони 5,5 гектардан ортиқ. Боққа салкам 6 минг туп кўчат экиш мўлжалланган.

— Худуд иқлимини инобатга олиб, ясин, каталпа, сафора, заранг ҳамда терак кўчатлари танланди, — дейди ўрмоншунос Маъмуржон Домлажонов. — Боғ бир неча ҳудудга ажратилган бўлиб, дарахтларнинг келгусидаги бўйи ва ҳажми инобатга олиниб кўчатлар экилмоқда. Боғ атрофи, асосан, терак кўчати билан ўралади. Сабаби, терак тезроқ ўсиб, салқин

Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.



беради. Ўз навбатида, боққа салобат ҳам бағишлайди.

Боғ тўлиқ томчилатиш усули орқали суғорилади. Бу ерда оқар сув муаммо эмас, лекин нега айнан сув тежовчи технологиялар ўрнатилганини қизиқ туюлди.

— Тўғри, бу ҳудудда сув нисбатан сероб, аммо бугунги замон мавжуд сувни тежаб ишлатишни талаб қилмоқда, — дейди федерациянинг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Рашидов.

Сув тежовчи технологиялар орқали суғориш анъанавий суғоришга қараганда

анча самарали. Бу усул орқали сувни 60 фоизгача тежаш мумкин. Шу билан бирга, сув тежовчи технологиялар меҳнат ресурсини ҳам қаррасига қисқартиради. Масалан, майдони 5,5 гектар бўлган ушбу боғни суғоришга бир кишининг меҳнати етарли. Уша бир киши ҳам керакли тугмаларни вақтида босиб турса бас, тизим ўзи автоматик ишлайверади.

Мамлакатимиз бўйлаб миллионлаб кўчатлар экилаётир. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам рисоладагидек парвариш қилинмаяпти. Шу маънода инсон омилини камайтирадиган сув тежовчи технологиялар бу

борада яхши самара беради. Битта масъул боғбон бириктирилса бўлди, 10 кишининг ишини ўзи эплайди.

Кўчат экиш билан машғул эканмиз, бир вақт шу маҳаллада яшайдиган 3-4 юрtdошимиз белкурак кўтариб пайдо бўлди. Айтишларича, маҳаллада янги боғ яратилаётганидан хабар топиб, ҳашарга келишибди. Шунга айтишса керак-да, яхши иш яшайларни чорлайди, деб.

— Мақсадимиз минглаб кўчат экиш, сўнгра хабар олмай ғойиб бўлиш эмас, бу ерда эл ҳавас қилдиган боғ барпо этиб, ҳатто кўчат етиштирадиган манзилга

Келгусида бу “ҳужжат”ларнинг барчасига алоҳида-алоҳида QR-код ажратилади. Орадан йиллар ўтиб, ҳозир кўчат эккан ҳамкасбларимиз фарзандларини ёки набираларини олиб келиб, QR-кодни сканерлаш орқали уларга ушбу дарахтларнинг ёшини ва ким экканини кўрсатиши мумкин бўлади.

айлантириш, — дейди Касаба уюшмалари федерацияси матбуот қотиби Муҳаббат Ўрмонбекова. — Бу бўйича барча режа ва лойиҳалар ишлаб чиқилган. Яна бир жиҳатни таъкидлаш керакки, ҳозир экилаётган ҳамма кўчатнинг ўз “ҳужжат”и бор. Яъни уларнинг қандай кўчат экани, ким эккани ёзиб қўйилган. Келгусида бу “ҳужжат”ларнинг барчасига алоҳида-алоҳида QR-код ажратилади. Орадан йиллар ўтиб, ҳозир кўчат эккан ҳамкасбларимиз фарзандларини ёки набираларини олиб келиб, QR-кодни сканерлаш орқали уларга ушбу дарахтларнинг ёшини ва ким экканини кўрсатиши мумкин бўлади.

Касби ва мавқеидан қатъи назар, инсоннинг табиат учун қилган ҳар қандай яхшилиги таҳсинга сазовор. Истаимизки, бу ташаббус янада кенгайсин, табиатга меҳрибон юрtdошларимиз сафи ортаверсин — зеро, роҳатини келажак авлодлар кўради, дуолар билан эслайди. Шу боис, Ўзбекистон касабаношушлари федерацияси худди шундай лойиҳаларни республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирмоқда.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Янги Ўзбекистон руҳи

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Юксалишларнинг бош мезонига айланмоқда



Адхам БЕКМУРАДОВ, Давлат бошқаруви академияси ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Ҳозир ҳар бир давлат органи, ҳар бир давлат амалдорининг фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги аҳолининг розилиги билан ўлчанади ҳамда бу мезон тўлиғича давлат сиёсати ва бошқаруви тизимига сингдирилмоқда. Соҳибқирон Амир Темурининг "Куч — адолатдодир" тамойилига ҳамоҳанг юритилаётган бундай сиёсат асрлар оша шакланган давлатчилик илми ва тажрибасига таянаётгани шубҳасиз.

Самарали давлат концепцияси

Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бориши, замонавий технология, товар ва хомашё ҳамда молиявий ресурслар бозорида рақобат янада кескинлашуви, табиийлик, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласида самарали ислохотларни талаб этади.

Самарали давлат концепцияси иқтисодчилар орасида узоқ даврдан буюн мунозара ва муҳокама объекти бўлиб келляпти. Мазкур концепция охириги 30 йилдан буюн Жаҳон иқтисодий форуми ва бошқа халқаро ташкилотларнинг бош масаласига айланган. Форум концепциясига кўра, давлатлар ёки компанияларнинг глобал рақобатбардошлиги уларнинг ишлаб чиқариш омиллари (хомашё, ишчи кучи, капитал ёки технология) билан қай даражада таъминлангани билан эмас, балки миллий экспортёрларнинг глобал бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида давлатлар қандай самарали институт ва инструментлар яратиб келинган билан баҳоланади.

Бу кўрсаткич эса Жаҳон иқтисодий форуми ҳар йили Глобал рақобатбардошлик бўйича эълон қиладиган маърузада қатор индикаторлар орқали ҳисобланадиган глобал рақобатбардошлик индекси сифатида баҳоланади. Мазкур индекс мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва фуқаролари фаровонлигини таъминлай олиш салоҳиятини кўрсатишга қўлмай, биринчи навбатда, ҳар бир давлатнинг иқтисодий сиёсати самарадорлигига баҳо беради.

Илк бор 2017 йилдан бошлаб илгари сурилган ва кенг юритилаётган очиқлик сиёсати туфайли мамлакатимизнинг глобал сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, инновацион ва бошқа рейтинг ҳамда индекслардаги позициялари тобора мустаҳкамланмоқда.

Глобал рейтинг ва индексларда юқори натижа қайд этилиши давлат иқтисодий сиёсати сифати ва рақобатбардошлиги инъикосидир. Шу ўринда машҳур инглиз мутафаккирининг икки юз аввал айтган сўзларини эслаш жоиз: "Энг кучлилар ёки энг ақиллар эмас, балки ўзгаришларга энг тез мослаша оладиганларгина омон қолади". Табиат олами тўғрисида айтилган бу гаплар бугун инсоният учун ҳам тўла мос келади. Зеро, янги Ўзбекистоннинг давлат сиёсати феномени, аввало, дунёдаги энг муҳим таҳдидларга қарши туриш, жаҳон бозоридидаги ҳар қандай ўзгаришга олдиндан тайёргарлик кўра олишда намоён бўлмоқда.

Самарали давлат концепцияси фақат иқтисодий регулятор сифатида рақобатбардош институт ва регулятив инструментлар яратиш билангина баҳоланмайди. Токи давлат нафақат иқтисодиёт, балки жамият ҳаётининг барча жабҳасида иштирок этар экан, самарали давлат концепцияси тушунчаси ниҳоятда кенг моҳият ва мазмунида ифодаланади.

Европа қандай йўл тутмоқда?

Қатор мамлакатларда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, хусусан, вазириликлар, давлат регулятив функциялари ва давлат хизматчилари сони қисқариши давлат бошқаруви, аниқроғи, самарали давлат тизими шаклланишига нечоғлиқ боғлиқлигини кўриш мумкин.

Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат бошқаруви ва давлат хизматчилари кўрсатиш соҳаларида бугун қуйидаги йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда:

биринчиси, очиқ ҳукумат ташаббуслари ва ташқи шаффофликни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотлар, масалан, ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, очиқ маълумотлар, харидлар бўйича ислохотлар ва коррупцияга қарши органларни ташкил этиш; **иккинчиси**, давлат хизматчиларининг сони ва харажати қисқартириш, меритократияни кучайтириш, иш фаолиятини баҳолашни такомиллаштириш ва шатлардаги қисқартириш чораларига эътибор қаратган ҳолда давлат хизматини ислоҳ қилиш;

учинчиси, давлат хизматлари кўрсатишни яхшилаш мақсадида порталлар ва электрон имзо ечимларини ташкил этиш, онлайн хизматларни жорий этиш ва "ягона дарча" марказларини ривожлантириш каби электрон ҳукумат чора-тадбирлари; **тўртинчиси**, ҳукуматнинг мувофиқлаштириш маркази салоҳиятини кучайтириш бўйича ислохотлар ҳамда идоралар/муस्ताқил органларни бирлаштириш;

бешинчиси, самарадорликни бошқариш ва натижага йўналтирилганликни кучайтириш ҳамда самарадорликни оширишга қаратилган ислохотлар. Бизнес соҳаси ва фуқаролар зиммасига тушадиган маъмурий юкни камайтириш;

олтинчиси, тартибга солиш таъсирини баҳолаш, олдинги баҳолаш ёки манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашиш каби воситалар орқали далилларга асосланган бошқаруви ва яхшироқ тартибга солишни кучайтириш кабилар.

Европа Иттифоқида давлат сиёсати ва бошқаруви тизимидagi трансформацион жараёнлар, хусусан, уларнинг самарадорлигини ошириш борасидаги очиқлик, рақамлаштириш, коррупцияга қарши кураш, кенг аҳоли қатламлари иштироки каби замонавий ёндашувларга Ўзбекистонда давлат бошқаруви қўнучилиги ва амалиёти ривожда кенг ўрин берилмоқда.

Ўзимизга хос ва мос миллий тажриба

Илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда давлат бошқаруви тизимини ихчам, профессионал ва самарали қилиб шакллантириш мақсадида ислохот этишининг турли йўналишлари мавжуд.

Биринчидан, қонуларнинг амалиётга тўғридан тўғри татбиқ этилишини, барча (давлат органлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда фуқаролар) бирдек тушуниши ва ҳурмат қилишини таъминлаш зарур. Жумладан, қабул қилинаётган қонулар ва қонуности ҳужжатлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларни самарали тартибга солишга қўлмай, давлат бюджетига асоссиз қўшимча харажат келтириб чиқармаслиги керак.

Бу масала Ўзбекистоннинг 2017 йилдан буюн юритиб келинаётган давлат сиёсатида энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, ушбу йўналишда ҳали қилиниши лозим бўлган анча иш борлиги Президентимизнинг 2024 йил 19 февралдаги "Қонуларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролини ҳамда норма ижодкорлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди кўрсатилган.

Қабул қилинаётган қонуларимизнинг тўғридан тўғри амал қилишини таъминлаш борасида сезиларли силжиш кузатишмоқда. Қайси соҳада фармон, қарор ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат кўп қабул қилинар экан, аввало, шу соҳадаги қонуларимизда давлат бошқарувининг регулятив функцияси, яъни механизм этири даражада очиб берилмаганини билдиради.

Тулақонли ишламаётган қонулар янгидан янги давлат бошқаруви органлари ташкил қилиниши тақозо этади. Давлат бошқаруви органлари, ўз навбатида, давлатнинг қўшимча регулятив функциялари лозимлигини исботлашга уринади. Давлат бошқаруви органлари сони ошиши давлат хизматчилари сониини кўпайтиради. Буларнинг барчаси давлат бюджетига харажати оширади. Натижада давлат бошқаруви харажати ортиб, фаолияти сифати ва самарадорлиги пасаяди.

Бу мантиқий занжири узоқ давом этириш мумкин, аммо ҳулоса оддий — бизга тўғридан тўғри ишлайдиган қонулар керак. Улар давлат бошқаруви самарадорлигини оширади ва давлат бюджетига харажати камайтиради. Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай давлат бошқаруви тизими ихчам, самарали ва натижадор бўлади.

Иккинчидан, давлатнинг иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва жамият ҳаётининг бошқа



жараёни мувофиқлаштириш ваколатлари, жумладан, регулятив функцияларини тобора либераллаштириб бориш талаб этилади.

Айни пайтда барча соҳада очиқликни таъминлаш, давлатнинг иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва умуман, ижтимоий ҳаётга аралашувини асосланган даражада қисқартириб бориш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини тубдан трансформация қилиш орқали ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим таянчи бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тўғрисида қайгурав эканмиз, аввало, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини оптималлаштириш, регулятив функциялари таъсири доирасини босқичма-босқич қисқартириб бориш лозимлигига амин бўламиз. Бу борада Ўзбекистонда лицензиялаш, бизнесга рухсат бериш, давлат хизматларини рақамли технологиялар орқали кўрсатиш борасида қилинаётган ишларни алоҳида қайд этиш лозим.

ларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонда давлат бошқаруви тизимини ислохот этишининг бош мезони сифатида ихчам, профессионал ва натижага йўналтирилган давлат аппаратини шакллантириш масаласи қўйилди. Бу талаб бугун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда баҳолашнинг энг муҳим индикатори сифатида шаклланиб, барча даражадаги давлат хизматчилари учун асосий ҳаракат драйверига айланди.

Маъмурий ислохотларнинг дастлабки муҳим муваффақиятидан бири илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда ижро этувчи ҳокимият органларининг ягона мантиқий-функционал таркиби тасдиқланишидир. Ижро этувчи ҳокимият органларининг "вазирлик — қўмита — агентлик — инспекция" ягона бошқарув тизими сифатида белгилаб қўйилгани қабул қилинаётган қарорлар ижросини таъминлашга анча самарали таъсир қўрсатаётгани қайд этилмоқда. Бу борада дастлабки ижобий натижалар билан бирга зарур ислохотлар давом эттирилмоқда.



Бугунги кунда маъмурий ислохотлар доирасида давлат идораларининг бир-бирини такрорлаётган 500 дан ортиқ функцияси қисқартирилмоқда, иқтисодий фаолиятни лицензиялаштириш ва турли руҳсатномалар бериш амалиёти ҳам тубдан либераллаштирилмоқда. Шунингдек, давлат хизматлари марказлари кўрсатилган хизматларга нисбатан Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатилган электрон хизматлар улуши 2022 йилда 60 фоиз бўлган бўлса, 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 90 фоизга етиши режалаштирилган.

Давлатнинг регулятив функциялари қисқартирилиши, албатта, иқтисодиётга ортиқча аралашува барҳам бериб, бизнес субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз сиёсатида ушбу масала доимо кун тартибда. Тадбиркорлар учун қўлай иқтисодий муҳит яратиш борасида ўнлаб фармон ва қарорлар қабул қилинган, ишбилармонлар билан тўғридан тўғри мулоқот формати жорий этилган, фикримиз тасдиғидир.

Учинчидан, давлат бошқаруви органлари сониини оптималлаштириш, улардаги номақбул такрорланиш ва параллел функцияларни бартараф этиш, маъмурий тартиб-таомиллар тизимини янада такомиллаштириш бугунги маъмурий ислохотларнинг бош йўналиши бўлиб қолмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислохот-

нинг мулақо янги ижтимоий-сиёсий ва маъмурий-ҳуқуқий қиёфасини яратишга хизмат қилмоқда.

Мазкур йўналишда Президентимизнинг 2024 йил 2 февралдаги "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинган ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлди. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий даражада вақиллик ва ижро этувчи органларга қайта тақсимланиши муस्ताқил миллий давлатчиликимизда давлат қурилишининг янги босқичи сифатида шаклланимоқда.

Бешинчидан, давлат хизматчиларининг ўз касбига садоқати, профессионал ва натижадор фаолияти, зиммасига юкланган давлат вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш салоҳияти мавжудлигига алоҳида ўрин берилиши лозим.

"Маҳалла еттилиги" оддий тизим эмас

Маҳалла ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш самарали давлат бошқарувининг асосий индикаторига айланмоқда. Чунки маҳалланинг ободлиги ва фуқаролар фаровонлиги, мамлакатдаги кенг қамровли саъй-ҳаракатларнинг ҳар бир хонадон ва фуқаролар ҳаёти яхшиланишида акс этиши ислохотлар самарадорлиги бош мезонига айланб бормоқда. Нафақат давлат бошқаруви ёки давлат хизмати самарадорлиги, балки барча тоифадаги тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурлари натижадорлигининг бош мезони маҳалла ҳаётининг тубдан яхшиланиши, инсонлар муносиб яшаш учун энг муҳим шарт-шароитлар юқори даражада ташкил этилиши билан белгиланмоқда.

Маҳалла институти ўз тарихи ва аънаъларига кўра давлат бошқаруви тизимига киримасда-да, бугунга келиб, давлат сиёсати самарадорлигини таъминлайдиган маконга айланиб улгурди. Президентимизнинг 2023 йил 21 декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишланиши таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, маҳалла ҳаётида "давлат — маҳалла — фуқаро" мулоқотининг моҳият ва сифат жиҳатидан бутунлай янги муносабатлар тизими шакллана бошлади.

Давлат бошқаруви органлари фаолиятини маҳалла даражасигача тушириш, ҳар бир маҳаллада маъсул давлат хизматчилари қатламнинг шаклланиши бир қарашда давлат бюджетидан молиялаштириладиган кўплай янги лавозимларни келтириб чиқараётгандек кўринса-да, аслида, давлат бошқаруви тизимини номарказлаштириш йўналишида жадал ва самарали ислохотлар бошланганининг яққол ифодасидир.

Фикримизча, давлат ва жамият муносабатларида жадал шакллана бошлаган янги "маҳалла еттилиги" тизими самарадорлигини таъминлаш давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номарказлаштириш, жумладан, давлат функциялари ва регулятив ваколатларини тезроқ қуйи бошқарув босқичларига тушириш, шунингдек, давлатнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга аралашув механизми янада либераллаштириш ҳисобидан амалга оширилиши лозим. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам ушбу тамойил кўзда тутилган.

Биз "маҳалла еттилиги" тизимини давлат ва жамият бошқарувининг вақтинчалик муаммоларини ҳал этиш учун ташкил этилган институт сифатида эмас, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номар-

казлаштириш ва либераллаштириш борасида самарали ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида тушунишимиз лозим.

Масалан, мазкур тизим жорий этилгани туфайли шакланган қўшимча давлат хизматчилари штати ўз моҳиятига кўра, давлат бюджетига яқин муддатларда қўшимча юк сифатида намоён бўлаётган эса-да, ўрта ва узоқ муддатда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини номарказлаштириш ва либераллаштириш ислохотлари давомийлиги оқибатида давлат бошқаруви натижадорлиги сифатида акс этади.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш орқали энг қуйи давлат бошқаруви бўғинларида самарали давлат хизматчилар кўрсатиш тизимини яратиш борасида Германия ва Жанубий Кореянинг илгор тажрибаси маълум. Ўзбекистонда эса маҳалла даражасида давлат-хусусий ва давлат-ижтимоий шериклигининг ажойиб ва бетакрор амалиёти жорий қилинаётгани ҳақто энг илгор мамлакатлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Бугун мамлакатимизда маҳалла аҳолисининг ижобий кайфияти, обод ва фаровонлик кўзгуси, хавфсизлик ва тараққиёт маскани экани боис, давлат бошқаруви органлари хусусий сектор ва ижтимоий институтиларга таянган ҳолда, уларга ҳар томонлама кўмак бериш орқали давлат сиёсатини самарали рўёбга қаришида катта натижаларга эришмоқда. Том маънода давлат сиёсати ва бошқаруви натижадорлиги маҳалла аҳолининг давлатдан розилиги ва унинг сиёсатини қўлла-қувватлови билан ўлчаниши ислохотлар самарадорлигининг бош мезонига айланмоқда.

Ижро самарадорлигини таъминловчи куч

"Ўзбекистон — 2030" стратегиясида давлат фуқаролик хизматини меритократия, ҳалоллик ва профессионализм тамойиллари асосида ташкил этиш каби муҳим стратегик мақсад белгилаб берилди. Жумладан, "давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз малака ошириб бориш тизими билан қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш, миллий кадрлар захирасида раҳбарлик лавозимларига номзодлар сонини камиди минг нафарга етказиш" каби муҳим вазифалар қўйилди.

Албатта, қонулар ўз-ўзиндан самарали ишламайди. Уларнинг амал қилишини таъминловчи профессионал билим ва малакага эга раҳбар кадрлар, давлат хизматчилари ва соҳа мутахассислари лозим. Қабул қилинаётган қонун, фармон, қарор ва дастурлар ижроси самарадорлиги ҳамда натижадорлиги, биринчи навбатда, уларни тўғри тушунадиган, самарали бажарадиган, ижроси мониторингини аниқ юритадиган давлат хизматчилари ва соҳа мутахассисларига боғлиқ. Бу ўринда Германиянинг биринчи канцлери Отто фон Бисмаркнинг машҳур сўзларини эслаш жоиз: "Емон қонулар ва яхши амалдорлар билан мамлакатни бошқариш мумкин. Аммо амалдорлар ёмон бўлса, энг яхши қонулар ҳам ёрдам бермайди".

Давлат хизматчилари белгиланган тартиб-қоидаларга ўзгармас қилиб сифатида амал қиладиган, классик бюрократия тизимида давлат бошқаруви соҳасига бирор янгилик киритиш, ислохотлар қилиш анча мушкул масала. Шу сабабли самарали давлат концепцияси давлат хизматчиларидан инновацияларга очиқлиқни, янги гоя ва имкониятларни бошқарув тажрибидида қўллаб олишни, илгор давлатлар тажрибасини ўрганишни талаб қилади. Хорижий муваффақиятли моделларга кўр-кўрона тақлид қилмаслик, балки ижобий ва салбий томонларини ҳисобга олган ҳолда фаровонлик яратишининг мисалга ошган шартига мос келадиган энг самарали усулларини диққат билан танлаш муҳим.

Шу ўринда инсон ресурсларини бошқариш жараёнига узлуксиз билим олиш маданиятини сингдириш, давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, профессионал компетенциясини оширишга қаратилган махсус дастур ва комплекс чора-тадбирларни замонавий халқаро стандартлар асосида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Самарали давлат бошқаруви тизимига эришиш узоқ муддатли стратегик ислохотлар жараёни бўлиб, давлат, жамият ва иқтисодиётнинг ўзаро мақсадли консолидациясини тақозо этади. Бу жараёнда умумий стратегик механизмининг йўл-йўлақай, объектив ижтимоий ва иқтисодий жараёнларга мос равишда тўғрилай бориш талаб этилади.

Кун нафаси



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Бу йилдан илк бор четдан олиб келинган чигитни экишга рухсат берилди. Лекин шу пайтгача Президент ҳузуридаги Пахтачилик кенгаши, Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги, виллоят ҳокимлари бир тўхтамаги келиб, қаердан, қандай навли уруғ олиб келиб, қаерга экишни ҳал қилмагани кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан қисқа муддатда хориждан 3 минг тонна уруғлик чигит олиб келиши топирилди. Умуман, хорижий йилда 100 минг гектарда юқори ҳосилдор хорижий пахта навларини экиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 15 декабрдаги «Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тажриба-синов тарихида юқори ҳосилдор хорижий ғўза навлари ва дурагайлари олиб кириш ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжалиқлари тасарруфидоги пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизгача жойлаштиришга истисно тариқасида рухсат берилган эди. Бу ғўза уруғларини келгусида бошқа ҳудудларга экиш ва экиладиган майдонларни кенгайтириш, ҳосилдорлик бағирсаткичлари ва ғўза уруғлари тупроқ-иқлим шароитларига мос тушганига қараб, Пахтачилик кенгаши ҳулосасига асосан амалга оширилиши мумкин.

Қолаверса, белгиланган талабга кўра, хориждан келтирилган ғўза уруғларининг генетик тозаллигини молекуляр-генетик таҳлил қилиш бўйича маҳаллий ваколатли лабораториялар ҳулосаси олинди ҳамда барча импорт қилинадиган ғўза уруғларининг экинбоплик сифат кўрсаткичлари баҳоланди. Бу ғўза навлари ва дурагайларининг икки йиллик етиштириш натижалари талабларга мос келса, республика ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинлари давлат реестрига киритилади.

— Авваллари бир навни катта майдонларга экиб, парваришлаб, ҳосилга киргач, унга баҳо берадик, — дейди Олий таълим, фан



ХОРИЖИЙ ҒЎЗА НАВЛАРИ

пахтачиликда юқори марраларга эришишда қўл келади

ва инновациялар вазирилик бошқарма бошлиғи ўринбосари Ақтам Далиев. — Яхши ёки ёмон кўрсаткичга эришганимизни билиш узок вақтни талаб қиларди. Айни пайтда эса илғор технологиялар, хусусан, молекуляр маркерлар ўсимликларнинг муайян хусусиятларини эканлигини аниқлаш имконини беради. Дунёда пахта майдонларининг 95 фоиздан кўпроғи ўрта толали ғўза тури экилади. Бундай олий толали пахта навларини яратиш ва амалиётга жорий қилиш учун ўтказиладиган катта ҳажмдаги генетик таҳлилларнинг аҳамияти юқори.

Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази олимлари томонидан молекуляр маркерлар ёрдамида қисқа муддатларда ғўзанинг тола сифати юқори ва катта агрономик имкониятларга эга иккита янги нави яратилди. Бу навлар тоғли ҳудудларда етиштириладиган дағал толали пахта навлари ўрнини тўлдириб, тўқимачилик саноати эҳтиёжларига жавоб берадиган хомашё бўла олади. Масалан, «Порлок-1», «Порлок-2,3,4,5» ва «Равнак-1» ва «Равнак-2» ғўза навлари шундай хусусиятларга эга. Навлар толаси узун ва пишқиб бўлиши дунё ғўза селекцияси дастурининг муҳим муаммоларидан бири. Унинг ечимини топишга айни шу каби ғўза навлари ҳисса қўшиб келмоқда.

Шундай экан, савол туғилиши табиий: аслини олганда, хорижий ғўза навларини олиб келиб экишдан асосий мақсад нима?

— Бундан пахтачиликда замонавий самарадор агротехнологияларни қўллаш ва уруғчилик тизимига эркин бозор механизмларини жорий этиш орқали ҳосилдорликни кескин ошириш, пахта хомашёсини етиштиришда илмий-инновацион ёндашувларини таъбиқ этишни кенгайтириш ният қилинапти, — дейди Ақтам Далиев. — Хориждан олиб келиладиган пахта навлари учун алоҳида агротехника ва соддалаштирилган карантин талабларини жорий этиш, ушбу навларни етиштириш махсус карантин кузатиш ва Пахтачилик кенгаши илмий кўрсатмаси асосида олиб борилиши белгиланган. 2024 йилдан ҳосилдорлиги 30 центнердан паст навлар мунтазам аниқланади, серхосил маҳаллий ва хорижий навларга алмаштириб бориш амалиёти жорий қилинишига қарилади. Пахтачилик оид янги илмий ишланмалар ва инновацион технологияларни жорий этиш учун 14 та туман таянлаб олинган. Уларга жаҳон пахтачилигида ҳосилдорлик ва ҳажм жиҳатдан илгор бўлган Хитой, АҚШ, Туркия

каби мамлакатлардан келтириладиган пахта уруғи навлари етказиб бериляпти.

Бу навларни олиб киришда уларнинг қайси жиҳатлари эътиборга олинапти? Биринчи навбатда, вегетация даври 115-120 кун, ҳосилдорлиги 60-80 центнер, тола чиқими 40

«Полутех Сирдарё» МЧЖга қарашли 30 гектар майдонда Хитойдан келтирилган уруғлик чигит экиляпти. Бу «Bullguard 11» нави бўлиб, ундан гектарига камда 50 центнердан ҳосил олиш кўзланяпти. Пахтачилик кенгашининг туман ишчи гуруҳи, Қишлоқ

Шаҳрихонда, 1999 йилда Исроилнинг «Тедера 5», «Тедера 10» навлари Сирдарё виллоят тадқиқот учун экилган. Лекин уларнинг аксарияти кутилган натижаларни бермаган.

Бугунги иқлим ўзгаришлари шароитида аввал олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари ўрганилиб иш тутилса, хайрли ва баракали бўлади, хориждан келтирилган ғўза навлари ҳам кўп йиллар давомида пахтачилигимиз ривожига хизмат қилади. Бунинг учун бир туп ғўза сиғадиган ер ҳам бўш қолмайдиган даражада чигит экилиб, «тўлиқ кўчатли майдон» мониторингини ўтказиш керак. Чунки ҳосилни кўчат беради. Майдонларда ғўза ниҳолларини қийғос ундириб, тўлиқ ниҳол олишнинг айни вақти ҳозир эканини унутмаслик керак.

Табиийки, ғўзага ишлов бериш жараёни ўғит, ёқилги, техника ва бошқа хизматлар билан узвий бўлади. Тобига келган ер ҳеч қачон кутиб турмайди. Бироқ 2024 йил пахтасини сотиш бўйича фьючерс шартнома тузган фермерларнинг муайян қисми ҳалигача кредит олмаган. Сабаби, айрим банклар «ресурс йўқ, гаров таъминоти керак» деган ваъдалар билан кечиктириб юборапти. Афсуски, бунинг далада кўзни кувнатиб, қийғос униб чиққан маҳаллий хориждан келтирилган ғўза навлари ҳам тушунмайди. Ўз тобида ўтказилмаган ишлов эса юқори ҳосилга йўл бермайди.

Олим-мутахассислар фикрича, қуруқ иқлим шароитида етиштириладиган пахта дунё миқёсида кийим-кечакка бўлган эҳтиёжнинг учдан бирга яқинини таъминлайди. Чигитдан ёғ олинади, чорва молларини озиклантиришда ва яна бошқа йўналишларда ишлатилади. Бугунги кунда эса пахтадан инновацион маҳсулотлар яратишда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Тўқимачилик саноатида табиий ўсимлик толалари кенг қўлланиши пахтага талабни кун сайин ошириб борапти. «Оқ олтин» етиштирилган олинмаган глобал бизнес даромади йилга ярим триллион АҚШ долларини ташкил этишини ҳисобга олсак, мазкур экин иқтисодий жиҳатдан қўшимча қийматга эгаллигига яққол аниқлашади. Турли иқлим шартлоари, касаллик ва зараркундаларга чидамли, ҳосилдор, аҳоли толали ғўза навларини яратиш орқали тўқимачилик саноатини янада юқори босқичга олиб чиқиш мумкин.

Айни кунда маҳаллий истиқболли ғўза навларини кўпайтириш, сифатли элита уруғчилигини йўлга қўйишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, юқорида қайд

этилган қарор билан нави тижоратлаштиришда кластер ва фермерларга тегишли навага ҳаммуаллифлик қилишга рухсат берилди. Бу жараёнда сертификатланган уруғлик тайёрлаш босқичма-босқич кластерлар ва хусусий уруғчилик корхоналарига ўтказилди. Уруғлик пахта хомашёсини етиштирувчилар (пахта-тўқимачилик кластерлари, фермер хўжалиқлари, кооперацияларга) маҳаллий олимлар яратган районлаштирилган, истиқболли ва янги ғўза навларини оригинаторлар билан тузиладиган лицензия шартномаси асосида жойлаштириш ҳуқуқи берилди, бунда уруғчилик учун тўланадиган устам маблағ мазкур субъектлар ўртасида ўзаро келишув асосида йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 декабрдаги «Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосан, 2024 йил ҳосилдан қўшимча пахта хомашёсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилди. Чигит экилишдан аввал фермер хўжалиқлари ва виллоят ичидаги кластер ўртасида тупроқ ҳосилдорлиги доирасида фьючерс шартномалари Товар-хомашё биржасининг пахта хомашёси секциясида ҳар бир ҳудуд учун ўтказиладиган савдолар орқали тузилади.

— Шартноманинг бошланғич қиймати Нью-Йорк биржасида пахта толасининг охириги 12 ойдаги ўртача нархга мувофиқ белгиланди, ўртача нархлар эса талаб ва таклиф асосида шаклланди, — дейди биржа бош мақлери Исламбек Иброҳимов. — Натижада 2024 йил январь-февраль ойларида қарийб 28 мингта фермер хўжалиги томонидан фьючерс шартнома асосида 1,7 миллион тоннадан зиёд пахта хомашёси биржа савдолари орқали сотилди.

Бундан ташқари, фьючерс шартномадан ортқича етиштирилган пахта хомашёси ёки ундан олинмаган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни фермер хўжалиқлари тўғрисида битим тузган кластерга ёки биржа орқали исталган субъектга сотиши мумкин. Агар фермер пахта хомашёсини ўз маблағи, шу жумладан, тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирган бўлса, бунда йиғиб-терилган ҳосил ва ундан олинмаган маҳсулотларни спот шартномалар асосида биржада эркин сотади. Бундай имкониятлар унга ҳам, хомашёни сотиб олаётган хўжалик субъектига ҳам яхшигина даромад келтиради.

ОБОД МАНЗИЛЛАР РИШТОН АДИБРЛИКЛАРИДА



Риштон туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғини жанубидаги дала-даштлар денгиз сатҳидан қарийб 800 метр баландликда жойлашган. Сув йўқлиги сабаб шу кунга қадар бирор туп ниҳол ўтказилмаган.

жаёт даражети

Унинг бир тупидан 5 миллион сўм соф даромад олиш мумкин



Поёнсиз кенгликлар, баланд-паст, тошшағалдан иборат майдон пиёда юришга ҳам изн бермайди ғўё. Баҳор тафти сезилиб турган бўлса-да, қир-адирлар оралаб ўзига хос куч олиб, юқоридан эсаётган шамол кўксимизга панжа уриб, орта ниқтайди. Шамол кучини енгиш илминдаги бир оз олдига энгашиб юрамиз. Шамол ер бағирлаб гир-гир айланади, оёғимиздан тортишга чоғланади. Ҳамроҳим бошидаги дўпписини шамол учуриб кетмаслиги учун уни маҳкам тутди.

— Қўқон шамолнинг эшиги бу ерлар. Ҳақийқий шамол турса борми, қочгани жой топилай қолади. Ёзи жуда иссиқ, қиши совуқ бўлади. — дейди туман ҳокимининг матбуот хизмати раҳбари Абдор Дехқонов.

Тақир тоғларга тутташиб кетган кўз илгамас дала-даштларда қўш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди. Тепаликка кўтарилгач, кенг пайкаллар узра ястаниб бораётган боғларга ҳавас ва ҳайрат билан қарайман. Бу ерда яшаш, меҳнат қилишни ўзи жасорат. Зоҳидонлик Қодирали Қосимов тиниб-тинчиманган ташаббускорлардан. Олий маълумотли муаллимлар. Бошқалар қатори белгиланган дарс соатини ўтиб, хотиржам юрса ҳам бўлади. Аммо унинг ҳаёт аъмоли, қарашлари бунга йўл бермайди. Жамиятда бўлаётган ўзгаришларга бефарқ эмас. Янгилар йўлида изланади, ҳаракатдан тўхтамайди, ташаббус кўрсатиб, кўлга ибрат бўлиб келади.

Биринчилардан бўлиб мактаб ўқувчилари учун репетиторлик курслари ташкил қилди, хусусий мактаб куриб битказди. Бу ерда мингта яқин ёш таълим олмакда.

Биз мактаб ҳақида эмас, балки оидий қишлоқ ўқитувчисининг писта ва сархил мевали боғлар яратиш йўлидаги изланиш ва ташаббусларига эътибор қаратдик. Бугунги кунда унинг

саъй-ҳаракати билан 300 гектар тақир ерни ўзлаштириш лойиҳалари амалга ошириляпти. — Харид учун дўконга кирдим, — дея хотирлайди Қодирали боғлар оралаб борар экан. — Сотувчидан писта нарх-навосини сўрадим, қиммат экан, ололмадим. Бу табиий, чунки писта бизга четдан импортга келаятгани боис, дўкондорга эътироз билдирмай орта қайтдим. Шундан сўнг уни ўзимизда етиштириб, маҳаллийлаштириш, маҳсулот таннархини арзонлатиш гоёси тинчлик бермай қўйди. Интернет орқали кўчат етиштириш, парваришлаш билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиб, ўз томоркамда синовдан ўтказдим. Натижа кутилганидек самара берди. «Пандиған» маҳалла фуқаролар йиғинида писта кўчатчилиги, 1200 квадрат метр жойда калифорния қизил чувалчанги парваришлаш ва биоғумус тўйларини йўлга қўйдик. Бу йилги писта кўчатлари плантациясини ташкил этишда озуқа вазирасини ўтди.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси бу соҳада янги имкониятларга эшик очди. Асрлар давомида сувсизлик, эътиборсизликдан қақраб ётган, тошшағал ерларда пистачилик плантацияларини ташкил этишга киришилди. Икки юз метр пастликдан оқиб ўтган Сўх дарёсига икки кўтармали сув насослари ўрнатилди, умумий ҳажми 16 минг куб метр сув сиғимига эга 4 та сўнний ҳовуз қурибди, томчилаб, ёмғирлаб сугориш механизми ўрнатилди. Ўтган йилги мавсумда 157 гектар ер ўзлаштирилди, 141 минг туп писта, 54 мингта яқин ўрик, пилос, шафтоли ва нок кўчати экилди. Кўчатлар тағдида каврак, кийикўт, тоғ ялпизи каби доривор гиёҳлар парваришланяпти.

Тошда гул ундириб, оламга ғўзаллик ифориини таратаётган «Agro cold service drop» МЧЖ яратган боғлардаги кўчатлар ривожига

авжида. Гектарлар узра экилган мевали боғларнинг охири йўқдек. Кўриқ ерларни ўзлаштириш осон кечгани йўқ, албатта. Бу ерда умумий узунлиги 3 километрдан ортқк йўл қурилди, 5 километрдан электр симлари тортиб келинди. Ер текислаш, унумсиз қатламни олиб ташлаш, маҳаллий ўғитлар билан бойитиш сингаги мавсумий ишлар бажарилди.

Бу жабҳада бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилинмас бўлмади. Ҳар қандай экинни экиб қўйиш билан киёфояланг қолмаслик керак. Аввало, сув, меҳр ва эътибор тўфайли меҳнат кўзга кўринади. Боғдаги юмушларга кўз-қўлоқ бўлиб юрган хўжалик агрономи Мусажон Қосимов сўхбатимизга қўшилди.

— Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида ҳам бу ҳудудларни ўзлаштириш саъй-ҳаракатлари бўлган. Аммо фақат қирғоқларга яқин ҳудудларни ўзлаштириш, оддий мевали кўчатлар экиш билан киёфояланг, Тепаликка сув олиб чиқиб, боғ яратишининг имкониятини топа олишмаган. Бугун ҳамма нарса ўзгарди. Меҳнат қилман деганга барча шариот ва имкониятлар бор. Бир гектар ерда пистазор ташкил этиш учун 270 туп кўчат экилади. Ҳар бир тупи ўрта ҳисобда ўн кило ҳосил берган тақдирда ҳам мавсумда салкам 300 миллион сўм даромад олиш мумкин бўлади. Писта оидий мевали боғларга киёсланганда юз ҳиссадан ортқк даромад беради, минг йилга қадар яшайди.

Ўтган баҳор мавсумида саралаб экилган писта кўчатлари туп олиб, буйи чўзмоқда. Тўрт-беш йилда ҳосилга қиради. Бир кило маҳсулотнинг чакана нархи ўрта ҳисобда 100 минг сўм экани ҳисобга олинса, 141 минг туп ниҳолдан келаятган даромад салмоғини чамалаб олиш қийин эмас.

— Пистачилик ривожланган мамлакатларда бу хосиятли дарахтдан қўриладиган наф жуда юқори. Шу боис, уни ҳаёт дарахтига киёслашди, — дейди «Agro cold service drop» МЧЖ раҳбари Қодирали Қосимов. — Мевасига талаб юқори. Унинг мағзида 60 фоизгача мой, 20 фоиз оксил, қанд ва бошқа фойдали микроэлементлар мавжуд. У қурғоқчилик, юқори ва паст ҳароратда ўсишга мойил. Шу қўқламда яна 20 метр туп кўчат эқдик. Олдйи усулда экилган кўчатлар 11-12 йилда ҳосилга қиради ва бир туп дарахтдан дастлабки йилларда бир килограммга ҳосил олиш мумкин. Биз янги технологиялар асосида кўчат етиштириб, ҳосилдорлигини оширишга эътибор қараяптик. Кўчатхонларда ўстирилган ниҳоллар иккинчи йилда навдор кўчатлардан олинган куртақлар билан пайвандлангач, учинчи йилда очик майдонларга ўтказамиз. Бу технология асосида экилган кўчатлар 7-8 йилда мева тутайди. Яхши ўсиб, ривожланган бир туп дарахтдан босқичма-босқич 40-50 килограммга ҳосил олиш мумкин.

Иссиқхонада кўчат етиштириш, пайвандлаш бўйича агромактаб ҳам ташкил қилинган. Истиқболли лойиҳалар дастурига кўра, писта ва бошқа турдаги кўчатларни инвентро

усулида кўпайтиришга ихтисослаштирилган лаборатория қурилиши жадаллик билан давом этмоқда. Янги лойиҳа бир вақтининг ўзида бир миллион туп кўчат етиштириш, эҳтиёждан ташқари маҳсулотларни бошқа хўжаликларга сотиш, қўшимча иш ўринлари яратиш имкониятини беради.

— Бу ерда касаначилик асосида ишламан, — дейди Аҳмаджон Абдулов. — Иссиқхонада кўчат етиштириш, пайвандлаш, экинлар парвариши билан боғлиқ мавсумий юмушларга кўмаклашамиз. Бепул тушлик, ишга келиб-кейтиш учун техника ажратилган. Тошлоқ ерга сув олиб бориб, боғ яратиш анча мушкул иш. Лекин ҳамжиҳатлик бўлган жойда файз, барака бўлади деганларини рост экан. Ўтган йили қилган меҳнатларимиз самарасини кўриб, фахрланиб кетамиз. Кўчатлар туп олиб, япроқ ёзмоқда. Бу ерлар яқинда ҳам тап-тақир шағал эди десангиз, кўпчилик ишонмайди. Тош устида чин маънода гул ундирилляпти.

Экинлар оралиғида, 13 гектар ерда каврак, кийикўт, тоғ ялпизи буйи кўрсатиб турибди. Бу шифобахш ўсимликларга талаб ички ва ташқи бозорда юқори. Асосан, тоғ ёнбағларда ўсадиган ўсимлик турларини маҳаллийлаштириш, қайта ишлаш йўналишида «йўл хариталари» ишлаб чиқилди. Энди нафақат писта, балки халқ табиобати йўналишида янги тармоқлар фаолияти ҳам йўлга қўйилди, эво ва агротуризм тармоқлари ривожлантирилди.

Пистазор оралаб, атрофдаги табиий ғўзаллик, гиёҳларнинг хуш бўйидан баҳра олиб дилингиз яйрайди. Ёзи иссиқ, қиши совуқ, гарбдан муттасил эсиб туривчи шамол инжиқликларидан кўчат кўкратириб олиш осон бўлаётгани йўқ. Лекин юртини обод ва фаровон айлашга енг шимарган соҳибкорлар сабр-бардош билан кенг дала-даштларда пистазор боғлар яратмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, «Янги Ўзбекистон» муҳбири

Долзарб мавзу

МИЛЛИЙ КОНТЕНТ
НИМА УЧУН КЕРАК?

Ёхуд мақсад – ҳудудларни эмас, онгни эгаллаш



Шавкат ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган шиддатли ва аини пайтда ўта мураккаб замонда яшамоқдамиз. Бу даврда халқни бирлаштириши ва жараёнларни тартибга солиши мумкин бўлган гоа, мафкура ҳамда маънавият соҳаларида алоҳида тизимли ишларни ташкил қилиш глобаллашув даври тақозоси эмас, ягона ҳимоя воситаси эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бинобарин, жамиятда маънавий ва мафкуравий жараёнлар янгича тарзда ташкил этилиб, кишилар орасида тўғри йўлга қўйилмас экан, бутун жамият мафкуравий таҳдидлар қурбонига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Жаҳондаги мавжуд мураккаб вазият туфайли даврнинг мафкуравий таҳдидлари янада кенгайиб улгурди. Замонавий мафкуравий таҳдид омилли ҳозирги вақтда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий соҳаларни, яъни инсоният жамияти ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Бу эса глобал таҳдидларни юзага келтирмоқда. Хусусан, инсон маънавиятига таъсир кўрсатиши асосий қурол қилиб олган мафкуравий таҳдидлар, аввало, инсон онги, тафаккури ва ҳулқ-атвориغا хавф-хатар солишдан ташқари руҳиятига ҳам етарлича муаммоларни юзага келтириб чиқаряпти.

Мафкуравий таҳдид муайян жамият аъзоларини ягона мақсад ва муддаолардан адаштириб, миллий менталитетга мос келмайдиган ёт ғоялар, фикрлар, қарашлар ва ғаразли мақсадларни четдан туриб экспорт қилиш жараёнида янада яққолроқ намоён

бўлмоқда. Унинг ўта хавфли жиҳати шундан иборатки, биринчи навбатда, жамиятнинг маънавий соҳасини барбод этишга қаратилган. Чунки айнан маънавий соҳа ҳар қандай жамиятнинг ўтмишини, мавжудлигини, яшовчанлигини таъминлайдиган асосий илди-з ҳисобланади. Бугунги таҳдидлар эса ўша илди-зга урилган болтадир.

Тасаввур қилинг, бугун биз маънавият деб атайдиган инсоний фазилатлар ўз қонунятларини ўзгартирмоқда. Унинг ўзгаришига ўзимиз ҳам хайрихоҳ бўлаётганга ўхшаб қоляимиз.


Кейинги пайтларда мафкуравий таҳдидларнинг турли усул ва воситалари ишлаб чиқилмоқда. Киши ҳаёлига келмайдиган оддий болалар ўйинчоғидан тортиб, устимиздаги кийимлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, қўшиқлар, клиплар, мультфильм, кинофильм ва ижтимоий тармоқдаги “trend”, “mem”, “challenge” лавҳаларнинг ҳар бирида катта ёки кичик бўлса-да, миллат ўзлиги ва маънавиятига таъсир этувчи муайян гоа ҳамда мафкура бор. Бунинг хавфли жиҳати шундаки, мафкуравий таҳдид тарғибчилари ўз мақсадлари йўлида сарфлайдиган катта миқдордаги маблағ ривожланиш босқичига кирган давлат жамияти аъзоларига қаратилади ва уларни йўлдан адаштиришга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда ғаразли мақсадлар йўлида зимдан кечаётган мафкуравий қурашлар баъзи миллатларнинг тарихий илди-зи ва миллий ўзлигини йўқотишга қаратилганини сезиш кийин эмас. Бунда эътибор ҳудудларни эмас, инсон онгини эгаллашга йўналтирилган. Бу даврда шахснинг “ўзига хослик инқирози” каби ижтимоий-психологик масала долзарб муаммолардан бирига айланади.

Булар шахснинг жамият аъзоларидан ажралиб туришига қаратилган хатти-ҳаракатлари бўлиб, масалан, инсон ўзининг Аллоҳ томонидан унга ато этилган танаси ва ҳатто жинсига ҳам ўзгаришни киритиш орқали қалб хотиржамлигига эришиши мумкинлиги сингари ғоялар ишлаб чиқилмоқда. Энг хавфлиси, улар турли механизмлар орқали узлуксиз равишда Ер юзи аҳолиси онгига сингдирилмоқда. Бир қараганда, унча хавф туғдирмайдиганга ўхшайдиган бу иллатлар фожиасини асрлар давомида шаклланиб келган оилага нисбатан қарашларнинг кескин ўзгаришига ҳам кўриш мумкин.

Масалан, статистик маълумотларга кўра, 2023 йилнинг 10 ойи давомида мамлакатимизда ажралишлар сони 41 минг 583 тани ташкил этиб, сўнгги 5 йилда сезиларли кўпайган. Жумладан, 2018 йилда 32,3 мингта оилавий ажралиш қайд этилган. Яъни кейинги 5 йилда ажралишлар сони 10 мингтага ортган. Буларнинг бари айнан ташқаридан кириб келаётган мафкуравий таъсирнинг аломатлари эканини англаш қийин эмас.

Бугун ҳаётимизда бошқалардан ажралиб туриш учун ҳаракат қилаётган ёшлар ижтимоий тармоқлар белгилаб берган ролларни бажарувчи қўғирчоққа айланиб борапти. Кундалик ҳаётимизда бола уйда ўсмир, ўғил, ака, мактабда эса берилган вазифаларни сидқидилдан бажариши керак бўлган ўқувчи. Айнан шу вақтда ўсмир ҳақиқатан “мен кимман?” деган саволга ишончли жавоб топиши хоҳлайди. Ўсмирлик инсон ўзини намоён қилиши учун жуда муҳим ёш. Ҳозирги шароитда аксарият ҳолларда бу имконият ижтимоий тармоқлар томонидан “ўзига хос” тарзда тақдим этилмоқда. Бунга қўшимча равишда бу ерда инсон ўзи учун “идеал” —



қандай бўлиши хоҳлаётгани ҳақидаги тасаввурни яратиш нисбатан осон. Бу тасаввурни атрафдагиларга виртуал муҳида тақдим этиш реал ҳаётдан кўра анча қўлайроқ.

Ижтимоий тармоқлардаги профилларни ёшлар “идеал ўзлик” сифатида қабул қилиши учун барча имкониятлар яратилган. Энг ёмони, улар инсонни фақат истеъмолчига айлантириб қўйиши, ҳар қандай давлат ва жамиятнинг вояга етиб келаётган авлодларини виртуал жиҳатдан қарам қилиб тарбиялаётганини кўпчилик тушуниб етмайди. Чунки бугуннинг аксарият ёшларидан тортиб, кексаларигача ижтимоий тармоқлар орқали узатишган ахборотларни тўғридан тўғри истеъмол қилувчига айланган, унинг рост ёки ёлгон экани тўғрисида фикр ҳам юритмай қўйган. Истеъмолчи миёсига аста-секинлик билан йиллар давомида таъсир этиш орқали онг ва тафаккур қарамликка юз тутуди.

Жамият аъзолари орасидаги бахт ва саодат каби тушунчалар ўрнини шахсий маффаатлар жамоникидан устунлиги ва моддий фаровонлик маънавий фаровонликдан юқори туриши тўғрисидаги қарашлар илди-з отаётганини англаш учун атрафга яхшилаб назар солиш кифоя. Яшайдан мақсад эса ҳаётдан энг юқори даражада лаззатланишдан иборат бўлиб қолди. Руҳий-маънавий қадриятлар, инсонийлик, меҳр-муруват, эътиқад, савоб, бегараз ёрдан кўрсатиш каби олий тушунчалар аста-секинлик билан ҳаётга бир бора келиш ва лаззат олиш ҳиссига ўрнини бўшатиб берапти. Инсонлар ўртасидаги

муносабатлар фақат фойда ва зарар қонуни асосига қурилмоқда. Кўнгилхушликларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари мавжуд бўлиб, ижтимоий тармоқлар орқали лаҳза сайин маълумотлар жойланади. Бу эса нафақат қайсидир миллат, балки инсониятни йўлдан оздириши мумкин бўлган мафкуравий ва маънавий таҳдидга айланади. Бу таҳдиднинг қўламини шунчалик каттаки, у ўз домига миллатларни, ҳаттоки давлатларни тортиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундан огоҳ бўлиш, унга қарши курашиш лозим.

Бугун мафкуравий таҳдидларга эътиборсизлик миллат, юртнинг келажагига эътиборсизликдир. Жамиятимизда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик лозим. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, миёсис, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишдан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмас экан, бу муҳит уни қониқтирмайди, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида келтишти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, гоийвий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар — бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар

бўладими — уларнинг барчаси, айниқса, фаол бўлишлари лозим”.

Ўзбекистон ҳам замон билан ҳамнафас ҳолда тараққиётнинг юксак чўққилари сари олдинга интилмоқда. Ана шундай мураккаб таҳликали даврда ҳам юртимизда маънавий ривожланишнинг ўзига хос парадигмалари шаклланиб, десак муболага бўлмайди. Халқимизни, айниқса, ёшларимизни сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-руҳий, диний, ахлоқий жиҳатдан етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдан ташқари ёшларда таҳлил этиши ва воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабат билдира оладиган, уларни турли таҳдидлардан ҳимоя қиладиган ўзига хос стратегик дастурлар яратиш ва улар бугун амалиётда ўз натижаларини бермоқда.

Айни пайтдаги кенг қўламли ислохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон ҳаётини, дунёқарошини ҳамда турмуш тарзини ўзгариштиришга қаратилган. Бу ўзгаришлар замирида “инсон қадри учун” ғояси ётади. Ушбу тамойилнинг ҳаётий ҳақиқатга айланаётгани бугун Ўзбекистонда яшаётган халқимизнинг эртанги кунга ишончи, ҳаётдан рози бўлиб яшашни учун қилинаётган ҳаракатида ҳам ўз ифодасини топаётган.

Демократик, ҳуқуқий, адолатли жамият барпо қилаётган давлатда ёшларнинг жамиятда тутган позицияси муҳим аҳамият касб этади. Энг асосийси, жамият аъзолари манфаатини биринчи ўринга қиқаришга шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўймаслик орқали эришиш мумкин. Бугун биз шу йўлдамиз.

Янгича ёндашувлар

БЎШ СИНФХОНАЛАРНИ
ИЖАРАГА БЕРИШ

битирувчиларнинг ОТМга киришига ижобий таъсир кўрсатаяптими?

Юртимизда муайян муддат таълим тизимидаги муаммолар, ортиқча юкламалар туфайли мактабларнинг обрўси тушиб кетди. Бошланғич синф ўқувчисидан тортиб, мактаб битирувчисигача онгиди “мактаб билими билан олий ўқув юртурларига кириб бўлмайди” деган тушунчалар шаклланди. Бироқ таълим тизимига, ўқитувчиларга қаратилаётган эътибор сабаб соҳа ўзгаришига юз тутди, бу борадаги ислохот давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, ёшларнинг жаҳон андазаларига мос шароитларда замонавий билим, касб-ҳунарларни эгаллаши учун бечара куч ва имкониятлар сафарбар этилди.

“Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади” шiori остида мактаб таълимини ривожлантириш умумхалқ ҳаракатига айланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида таълим тизими ислохотлари энг биринчи вазифа этиб белгиланди.

Ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи мамнун

Бошланган ислохотлар мазмунини англаб, шунга ҳамоҳанг қадам ташлаш кутилган натижага эришишнинг муҳим шартидир. Ёш авлод таълим олишига муносиб шароит яратиш, олий таълим муассасаларига кириши ва касб ўрганишини рағбатлантириш ота-ондан тортиб, таълим тизими масъулларининг асосий вазифаси саналади.

Юртимиздаги айрим мактаблар дарсдан сўнг бўш синфхоналарни турли ўқув курслари ва тўғарақларга ижарага бериб, мавжуд имкониятдан унумли фойдаланаётир. Савол туғилади: бу ёндашувнинг мактаб ўқувчиларига фойдаси нималарда кўзга ташланмоқда?

Бу, аввало, ўқувчининг мактабдан узоқлашмаган ҳолда қўшимча билим олишига, ўзлаштириш билан фанларни ўзлаштиришига ёрдам беради. Йўл, транспорт қабиалар билан боғлиқ сарф-ҳаражатларни камайтиради. Қолаверса, мактаб ўқитувчилари мактабнинг ўзида дарсдан сўнг қўшимча равишда ўқувчиларга курс ўтишига имкон туғдиради. Бу эса педагогга қўлайлик яратади.



Ўтган йили амаким ўғлининг 3 та фандан репетиторга бораётгани, бу эса оилада моддий қийинчилик туғдираётганидан нолиб қолди. Айтишича, жиниям шунгача 3-4 та ўқув марказига қатнаган, бироқ педагоглар бераётган билим уни қониқтирмаган. Нати-

жада пули ҳам, вақти ҳам исроф бўлган. Сўнг ўзига маълум курсни топиб, ўша ерда шуғулланишни бошлаган. Амакимдан ўғлининг репетитори учун оийга қанча сарфлаётгани билан қизиқдим. “Ҳар бир фан учун оийга 500 минг сўмдан тў-

лов қиламан, еб-ичиши, йўлкира бор. Бунинг учун ҳам миллион сўм нари-берисида харажат қиламан”, деди. Амаким фарзандининг репетиторига бераётганидан буён рўзгорига пул орттиролмаётганидан нолиди, бироқ кун келиб, бу маблағ ўзини оқлашдан умидвор.

Бир боланинг репетитори учун оийга сарфланаётган ўртача 2,5 миллион сўм бир йилда 30 миллион харажат, дегани. Агар фарзанди шунча вақтни, сарфланган маблағни оқлаб, биринчи уринишда ўқишга кирса, нур устига нур. Аммо акси бўлса-чи?!

Амаким иши тайин бўлгани туфайли фарзанди қўшимча курсларга қатнаши учун пул топиб бериб турибди. Лекин моддий имконияти пастроқ оилаларнинг фарзандлари нима қилади?

Юқоридидаги каби муаммоларнинг олдини олиш учун мактабларда тажриба тариқасида йўлга қўйилаётган янгича усул анча қўл келмоқда. Бу тажриба орқали оддий оилалар фарзандлари ҳам курсларда бепул ўқитилади. Демак, ҳам ота-оналарга қўмак, ҳам ўқувчиларнинг вақти тежаллади.

Тўғри йўлнинг самараси

Ушбу тажриба республикамиздаги бир нечта мактабларда жорий қилиниб, ўз самарасини бера бошлади. Биз пойтахтимизнинг Юнусобод туманида шу тажрибани йўлга қўйган мактабларда тажриба тариқасида йўлга қўйилаётган янгича усул анча қўл келмоқда. Бу тажриба орқали оддий оилалар фарзандлари ҳам курсларда бепул ўқитилади. Демак, ҳам ота-оналарга қўмак, ҳам ўқувчиларнинг вақти тежаллади.

Юқоридидаги каби муаммоларнинг олдини олиш учун мактабларда тажриба тариқасида йўлга қўйилаётган янгича усул анча қўл келмоқда. Бу тажриба орқали оддий оилалар фарзандлари ҳам курсларда бепул ўқитилади. Демак, ҳам ота-оналарга қўмак, ҳам ўқувчиларнинг вақти тежаллади.

ушбу тажриба орқали мактабимизда ўқувчиларнинг чет тилини билиш даражаси ҳам юксалди.

Тумандаги 44 та мактабни ўтган йили 4400 ўқувчи битирган бўлиб, минг нафарга яқини IELTSдан юқори балл олди. Улардан 3,5 мингтаси ёки 78 фоизи олийгоҳларга кирган. Бундай натижа сабабларидан бири мактабларнинг синфхоналарини шартнома асосида хусусий ўқув марказларига дарсдан кейин фойдаланиш учун берилганида.

274-мактаб директори Шахноза Расулованинг таъкидлашича, мактабда фаолият юритаётган ўқитувчиларга бу тажриба қўл келаяпти. Ўқув курсларида биология, кимё, математика, тарих, инглиз тили фанларидан мактаб педагоглари қўшимча равишда шуғулланади. 4-5 йил илгари битирувчиларнинг олий таълим билан қамрови паст бўлган. Ушбу тажриба амалиётда қўллана бошлагач, кўрсаткич сезиларли кўтарилиди. Масалан, ўтган ўқув йилида 134 битирувчидан 109 нафари талаба бўлди.

Жорий йил 3 апрель куни давлатимиз раҳбарининг Юнусобод туманига ташрифида ҳам айнан шу мавзу кўтарилиб, дарсдан сўнг бўш синфхоналарни шартнома асосида хусусий ўқув марказларига фойдаланишга бериш ва ушбу тажрибани бутун республика бўйлаб ёйиш кераклиги таъкидланди.

Жадид бобомиз Абдурауф Фитрат “Нажот йўли”да бундай дейди: “Гарчи ҳар бир инсон бешиқдан то қабргача тарбия олиш қобилиятига эга бўлса-да, лекин уни болаликдан тарбиялаш таъсирлироқ ва жуда муҳимдир. Шунда ҳар бир маданий тоифа гўдаклар тарбияси хусусида жиддий бош қотириб, сарфи ҳиммат қиладилар”. Демак, ёшларнинг илм олишига имконият яратиш берилиши лозим. Замон ўзгаришти, ҳаётимизга янгидан янги технологиялар кириб келаяпти. Ана шу ўзгаришларга ҳамоҳанг таълим тизимини янада ислох қилиб бераверишимиз керак.

Мансурбек ЖАББОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юлдузлар мангу ёнади

Санъат оемонидаги боқий афсона

(Эссе)

Ашурали Жўраев, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист

Миллий эстрада санъатимиз асосчиси, машҳур санъаткор Ботир Зокиров номи йиллар ўтган сари яна ҳам қадрли, юракларимизга яқин, қадрдон ҳамда азиз бўлиб бораётди. Замонлар, даврлар, авлодлар ўзгарди, лекин унинг қўшиқлари ҳамон барҳаёт, ҳамон яшаб келаётган. Президентимизнинг 2020 йил 2 декабрда "Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Агар турли сабабларга қўра унинг ҳеч бир юбилей санаси нишонланмаганини ҳисобга олсак, ушбу қарор туфайли ҳақиқат жамоли намоён бўлди. Бу маданий ва маърифий ҳаётимизда улкан воқеага айланди.



Мажнун ўтирибди. Ёнида чиройли, мунчоқдай-мунчоқдай кўзлари жавдираб жайрон ётибди. Мажнун ўнг қўли билан жайроннинг бошини силаётди. Томлири бўртиб турган чап қўли иягида. Тиззалари остида пайлари таранг тортилган камон. Мажнуннинг қаршисида бошини оёқлари устига қўйганча арслон узала тушиб ётибди. У ҳам гўё Мажнуннинг аҳволини кўриб, оғир ғам-ғуссага ботгандек. Картинанинг орқа кўриниши сарик рангда. Мажнуннинг паришон ва синиқ чехраси, ишқ олови билан ёнган ҳасратли кўзлари киши юрагини эзиб юборади...

Бу ажойиб картинани Ботир Зокировнинг дастлабки "Автопортрет"и дейиш мумкин. Гарчи унинг бу илк асари ҳеч бир кўрғазмада намойиш этилмаган бўлса-да, у ҳар қандай истеъдодли рассомнинг асаридан асло қолишмасди.

Айтиш мумкинки, Ботир Зокировнинг Навоий асарларини ўқиб-ўрганиши, Мажнун образига меҳр-муҳаббат қўйиши, кейинчалик консерваториядан олган билими, илк қўшигининг яратилиши, биринчи марта сахнага чиқиш жараёнида ҳам маданият ва зиёлиликнинг ёрқин белгилари бор эди. У Мажнун мисол яшади, Мажнун бўлиб куйлади.

Мисол учун, бир инсон шоир ёки ёзувчи, режиссёр ё актёр, ҳофиз ё олим, ўқитувчи ё шифокор бўлиши мумкин, лекин зиёли бўлиши осонмас. Бунинг ўзига хос машаққатлари, ўлчовлари ва мезонлари бор. Ҳақиқий — том маънода зиёли бўлиш хатто машҳур ижодкорларга ҳам насиб этавермайди. Кашфиётлар яратган барча академикни ҳам чин зиёли сафига қўшиб бўлмайди. Зиёли бўлиш тўғри фазилат. Ботир Зокиров ҳам миллатимизнинг ана шундай тўғри сафига қўшиб бўлиб қолди. У эстрада қўшиқчилиги санъати ривожига нимадир етишмайди, деган саволга Ботир Зокировдек зукко ва билимдон зиёли, маданиятли қўшиқчи етишмайди, деган бўлади. Пул санаш ва ҳашаматли иморат қуришдан бошқасига ярамайдиган кўпчилик хонандаларимиз савия, билим ва дунёқарашини озгина ўзгартириш ҳақида ўйласа, ёмон ва



Санъатдан йироқ кимсалар унинг йўлига катта ғов бўлди, камситди. Лекин бу қийинчиликларни, тўқсанларни, зарбаларни Ботир Зокиров катта ирода, тинимсиз ижод, янги қўшиқлар билан енгиб ўтди. Қўшиқ санъати осмонда чинакам юлдуз бўлиб порлади. Ўзидан илоҳий бир санъат қолдириб кетди. У ҳамisha машҳур санъаткорларнинг олдинги сафида эди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолди. У эстрада қўшиқчилиги санъатида топган ўрнини ҳеч кимга бермай, ёрқин юлдуз бўлиб ўтди...

Жаҳоннинг машҳур адиби Чингиз Айтматов ҳам Ботир Зокировга шундай юксак баҳо берган. 1978 йили санъаткор "Ялла" ансамбли билан Бишкекка гастролга борганда, уларнинг концертига Чингиз Айтматов ҳам кирган ва тадбирдан сўнг Ботир Зокировнинг Чўлпонотадаги дала ховлисида меҳмон қилиб, узоқ суҳбатлашган. Айтматов унга соғлигини асраш кераклигини қайта-қайта тайинлаган. Шунингдек, Ботир ака машҳур шоирлар Нозим Ҳикमत, Расул Ҳамзатов билан ҳам кўп марта учрашиб, ижодий мулоқотларда бўлган.

Бу улуг зотларнинг аксарияти Ботир Зокировнинг ҳайрат тўла қўшиқларини ҳақиқий мўъжиза деб баҳолаган. Аслида, қўшиқчилик санъатида мўъжиза яратиш фақат катта ва улуг санъаткорларга насиб этган. Унинг дилбар қўшиқларида, нола ва авжларида юрак нола қилган, юрак ижро этган, юрак куйлаган. У қайси тилда қўшиқ айтмасин, унинг овози ҳамма булоқдай қайнаб, жўшиб турган. Ҳамisha шира тўла авжлар юрак ҳароратидан, нолаларидан куч олган.

У энг оғир дамларда ҳам, қувонч ва бахтли лаҳзаларда ҳам қалбига суянди. Ҳар сафар жароҳлик столига ётганда юрагидан мадад сўради. Аллоҳга илтижолар қилиб, сахнага қайтишни ўттиди. Аллоҳ унга ҳамisha мададкор бўлди, қўллаб-қувватлади. Ботир Зокиров тилидан ҳам, дилидан ҳам Аллоҳ сўзини қўймади эди. Қачон кўнгирак қилиб ёки кўрғанда ҳол-аҳвол сўрашингиз билан, албатта, "Аллоҳга шукр", дерди...

Ботир Зокиров тасвирий санъатни севар, кўп ўқир ва чизар, адабиётнинг чинакам мухлиси эди. Шу боис, таниқли ижодкорлар Абдулла Орипов, Шукур Ҳолмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Туроб Тўла, Учқун Назаров, расом Рўзи Чориев, актёр Турғун Азизов билан яқин дўст эди. Улар билан тез-тез ижодий мулоқотда бўлиб, бир-бирларига янги асарларидан ўқиб берар, баҳс-мунозаъа қиларди. Айниқса, Ботир Зокиров дилкаш дўсти, очиккўнгил инсон, бетақор расом Рўзи Чориевнинг устaxonасида бўлиши, у билан суҳбатлашиши, янги чизган картиналарини томоша қилиши яхши кўрарди.

Бу дарвешифат инсон билан суҳбатлашиш мароқли эди. Рўзи аканинг беғубор ҳаяжонлари, жиллов нималигини билмаган гўзал

ҳис-туйғулари картиналаридаги рангларда ўз аксини топганди. У ҳам Ботир Зокиров ижодини қадрлар, янги суратлар чицаётганида унинг дардли ва дилбар қўшиқларини қайта-қайта тинглар эди. Бу икки машҳур ижодкорнинг бир-бирлари ижодидан завқланиши, икки зиёли шахснинг бир-бирига бўлган юксак ҳурмати ва эҳтироми ифодаси бўлган...

Ботир Зокиров ҳар бир янги қўшиғи устида узоқ ишларди. Қўшиқнинг сўзи, муסיқаси юрагини жижиллатмагунча куйламасди. У янги қўшиқни камида етти-саккиз вариантдан сўнг қиёмига етказарди. Бу унинг қўшиқ яратиш йўлидаги заҳмати, репертуарини умр-боқий қўшиқлар билан бойитиш маданияти эди. Таниқли композитор Икром Акбаров билан ижодий ҳамкорлик Ботир Зокировнинг ижрочилик санъатида янги ва нурули сарифалар очди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров шундай хотирлайди:

— Ботир билан ишлаш ҳам мароқли, ҳам машаққатли эди. У ҳар бир янги яратилажак қўшиқ устида худди деҳқон ерга тер тўкиб ишлагандек, жуда қаттиқ меҳнат қиларди. Танлаган шеърининг сўзлари ёқмас, қайтадан ёзарди. Керакис, куйга тушмайдиган мисраларни, сўзларини олиб ташларди. Айрим қўшиқларини ўн вариантдан ишлаган пайларимиз бўлган. Масалан, русча "Ошиқ булбул" қўшиғини ўн саккиз вариантдан сўнг қуйлаган. Умуман, у ўзига ёқмаган, юрагини жижиллатмаган қўшиқни асло айтмасди. Агар қўшиқ ёмон чиқса, "ҳосим" бўлиб қолиди-ку, Икром ака", дерди қулиб. Иккинчи операцияга тайёргарлик қўриб юрган кезларда ҳам нуқул "ишлайлик", дерди. Баъзан шанба-якшанба кунлари шифокорлардан руҳсат сўраб, уйимизга олиб келарди. "Эй сарбон" қўшиғи ана шу даврда яратилди. Узоқ ишладик. Қўшиқ собиқ иттифоқ радио оркестрида ёзиб олинди. Қўшиқни ёзиб олиш жараёнида овоз режиссёри Володя Бабушкин бошини чангаллаб йинлаган ва чидолмай хонадан чиқиб кетган.

Ботир кўп қиррали ижод соҳиби эди, фақат у муסיқа ёзмади. Аслида, ёса бўларди, истеъдоди етарди. Баъзи номдор композиторлардан ахши ёзарди. У муסיқани, кўлини муқаддас деб билгани учун ҳам бунга қўл урмади. У муסיқани, куй ва қўшиқни илоҳий мўъжиза деб эътизолар ва бунга хиёнат қилганларни кечирмасди. У муסיқа, тасвирий санъатни чуқур биладиган, теран англайдиган маданиятли ва зиёли санъаткор эди...

Таниқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти Манас Левиев бир суҳбатда шундай деган эди:

— Бу улуг санъаткорга меҳрим ҳамisha баалад бўлган. У ўзбек эстрада қўшиқчилиги санъ-

атининг пойдеворини қўйганлардан. Ва доимо эстрадининг чўққисиде юрган баланд ҳофиз.

У бетақор овоз соҳиби эди. Ўзбек қўшиқларидан ташқари араб, эрон, афгон, рус, фаранг, ҳинд қўшиқларини ҳам роса маромига етказиб куйлагани боис, дунёни лол қолдирди. Араб, эрон ва ҳинд санъаткорлари унинг ижросини юксак баҳолаб, "Ботир бизнинг ҳам қўшиқчимиз", деб оқшлаганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Бу унга берилган катта баҳо.

Ботир Зокиров "Маҳаллада дув-дув гап" фильмидаги бир қатор қўшиқларни қойил қилиб ижро этган. "Мафтуннингман" фильмидаги "Сартарош" қўшиғини ҳам биринчи бўлиб куйлаган.

Ботир оғир касал бўлишига қарамай, умрининг охиригача жасорат ва матонат билан қўшиқ куйлади. Ўзбек эстрада санъати Ботир Зокиров йўлидан бориши керак. Бўлмаса, ютказадим. У ноёб истеъдод соҳиби, бетақор қўшиқчи. Худо берган унга...

Ҳақиқатан, Ботир Зокиров серкйрра ижодкор бўлган. У ўзига хос расом, ажойиб ҳикоялар муаллифи, актёр ва таржимон эди. Шунингдек, "Сўгд элининг қолони" опера либреттосини ёзган. Асарни ўзбек тилига машҳур адиб Асқад Мухтор таржима қилган, муסיқани Икром Акбаров яратган. У қайси соҳа ёки жанрга қўл урмасин, барчасида ёрқин из қолдирган. Лекин Ботир Зокиров номини қўшиқ санъати оламга ёйди. "Раъно", "Араб тангоси", "Кел, ёр", "Қайдасан, азизим", "Мажнун монолоғи" сингари қўллаб қўшиқлари миллий эстрада санъатимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланди.

Сиз жоизбадор қўшиқ куйлаётган Ботир Зокировнинг ёниқ, теран кўзларини кўрганмисиз? Тафаккур балқиб турган бу доно кўзлардан ҳайратга тушганмисиз? Куй ва қўшиқ юлдузлардай порлаб турган бу сехрғар кўзларини унутиб бўлармикан?!

Кечалар юлдуз санаб, Юлдуз кўзинг, деб ёнаман... Ҳа, Ботир Зокиров куйлаётганда унинг қувонч ва изтироб тўла кўзлари ҳам қўшиқ айттарди ва изтироб тўла кўзларини бетақор суратларини кўриш мумкин эди. Нолалар фақат овоз орқали эмас, балки кўзлардаги теран ва ўтли нурули билан мухлислар қалбига кириб борарди.

Уни машҳур қилган қўшиқлардан бири — "Раъно"ни эшитиб тўймайсиз: *Саймани тўла маъно, Раъно, Ҳўмсанни ёшқил ўти...* Бахтиндан бахтим пайдо, Раъно. Барнолар ичра барно, Раъно... Ошиққа дилдоримсан, Ҳамма гуллардан асло, Раъно.

Яна бир жаҳонли ҳолат: Ботир Зокиров ўзи маҳорат билан чизган бир қанча "Автопортрет"ларида кўзларини тасвириладиган ёрқин ва маҳзун ранглардан фойдаланган. Унинг кўз қорачиқларида ўткир ва ҳаётга ташна нур порлаб турарди. Бу қўшиққа, кўп-кўп қуйлашга бўлган меҳр ва иштиёқ, ҳаётга ташналик нури эди...

Буюк санъаткорнинг бетақор ва жоизбадор қўшиқлари авж пардаларга чиққанида, унинг кўзлари осмонда чамқоқ пайдо бўларди. Бу ўтли чамқоқда барҳаётлик, абадийлик оханглари ва юракларини ҳамisha титроққа соладиган нолалар мувожасам...

Аслида, Ботир Зокировнинг мафтункор ва гўзал қўшиқлари сирини нимада? Бу қўшиқлар миллионлаб юракларини қандай забт этиб, қандай ларзага солган?

Назаримда, бу сеҳрли санъат сирини, юракларини қайта-қайта забт этган жоизбаси, дунёвий мафтункорлигини, қўйингки, Ботир Зокиров феномени унинг бебаҳо, сеҳрли ва ширадор ОВОЗИДА эди.

У дунё сахналарини ана шу мардона овоз билан забт этди. Уктамон овози, юксак ижроси билан юракларини янада бетақор ҳайратларга тўлдирди. Дилбар қўшиқлари билан мафтун этди.

Бу ўзбекнинг буюк санъаткори Ботир Зокировнинг инсон руҳиятини юксакларга кўтарувчи, мангу жаранглаувчи афсонавий овози эди. Бу овоз — меники, сизники, ҳаммаминики!..

Бу овоз — ўзбекиники, Ўзбекистонники!..

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 26 августдаги фармони асосан, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ марҳум санъаткорлар, ижодкорлар қаторида Ботир Зокировга ҳам "Фидокорона хизматлари учун" ордени берилди. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2021 йил 16 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон давлат консерваторияси хузурида Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ташкил қилинди. Вазирил Маҳкамасининг 2024 йил 18 январдаги тегишли қарори билан Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада мукофоти тасвир этилди.

Миллий эстрада санъатимизнинг ёрқин юлдузи, ўзига хос ижро услуби, ноёб истеъдоди билан Ўзбек ва Ўзбекистон номини дунёнинг кўп мамлакатларида юксакликка кўтарган бетақор хонанданинг 85 йиллик тўйи катта тантаналар ва юксак эҳтиром билан нишонланди.


...Ботир Зокиров мактабда ўқиб юрган кезларидан бошлаб, то консерватория оstonасига қадам қўйгунча қадр ҳамisha аъло ўқишга интилган, кўз ўнгида содир бўлаётган воқеалардан теранлик ахтарган, ўқиган китобларидан илм ва зиё излаган. Унинг юрш-туриши, инсоний муомаласида ҳам ҳақиқий зиёлига хос белгилар мувожасам эди. Зиёлилик, аввало, маданиятдан бошлангани, ҳар бир инсон маданиятнинг оддий қоидаларини, аънадаларини билиши лозимлигини болагидан теран англай бошлаган. Бундай тарбияни, биринчи галда, отаси ва устози, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокировдан олган.

Отаси оддий, камтар, бениҳоя хокисор инсон ва истеъдодли санъаткор эди. У ҳеч қачон отасининг даргазаб бўлганини, бировни ғийбат қилиб, ёмонлаб гапирганини ё биров билан гап талашиб қолганини кўрмаган ҳам, эшитмаган ҳам. Ана шундай самимий ва дилбар инсон миллий операмизнинг номдор ва машҳур ижрочиси эди.

Ботир Зокировнинг болалиги кўпгина жиҳатлари ва қирралари билан баъзи улуг санъаткорларнинг болалигига ўхшаб кетди. Унинг "таржиман холи"га болалик ва ўсмирлик даврини шунчакка қайд этиб бўлмайди. У, айниқса, санъатга, билим олишга ўта қизиқувчан, тиришқоқ, айни пайтда сабрқаноатли эди. Беғубор ёш Ботир билмаган нарсаларини, албатта, сўраб-суриштириб, ўқиб-ўрганишга интилган. Доимо керакли машғулот билан банд бўлар — расм чизар, қўшиқ ўргатар, гоҳ шеър ёдларди. Қўлига янги китоб тушиб қолса, ўқиб тутатмагунча

қўймади. Кечалари ухламай китоб ўқиб чиққани учун кўпгина қўзлари қизариб юрарди. Унга нафақат болалар, балки катталар ҳам ҳавас қиларди. Болалигиданоқ илмга ташналик, санъат дунёсига бўлган муҳаббат замирида улкан бир зиёли инсон, санъат фидойиси воёга етаётганидан мўжза бор эди.

У буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳақида дастлаб отасидан эшитган. Қолганларини мактаб дарсликларидан ўқиб билди. Қўлида доим Навоийнинг бирор-бир асарини олиб юргани учун ҳам уни ҳатто



"Алишер" деб аташарди. Айрим мактаб ҳужжатларида ҳам Алишер Зокиров деб ёзилган ҳолатлар бўлган. Унга Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони жуда ёқиб қолгани сабаб айрим жойларини еддан ўқиб берарди. Айниқса, Мажнун образи унинг қалбидан, вужудидан мустақкам ўрин олгани боис, ўн тўрт ёшида "Мажнун" деб аталган ажойиб картина яратди. Лекин уни узоқ чизди, айниқса, ранглар устида тинмай ишлади. Тасаввурдаги Мажнун қиёфасини суратда акс эттиришга уринди.

Қаламда чизилган манзара куйидагича эди: зилол сувли ҳовузчага кўм-кўк булоқ оқиб келиб қўшиляпти. Ҳовузча бўйида ғамгин хаёлларга чўмган, сочлари тўзғиган, кийим-боши бир аҳволда, кўкси очик, паришон

сыйқа ҳиргойилар (қўшиқ дейишга ҳам тил бормайди) бир оз камармиди?

Ўзбекистон Қазхромони Абдулла Орипов Ботир Зокировни шундай хотирлаган эди:

— Ботир Зокиров катта талант соҳиби, юксак эҳтиром фарзанди. XX асрнинг ўта маданиятли ва зиёли кишиси эди. Бу улуг санъаткор ҳамisha ҳалол, имонли, ҳақиқаттўй бўлган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ўз танлаган йўлига, санъат ҳамда юксак эътиқодига содиқ қолган. Унинг ҳаёт ва ижод йўли ҳамisha ибратли, санъати умрбоқийдир.

Ботир аканинг обрў-эътибори, шуҳрати жуда баланд, тирик афсона бўлган. Лекин ўзи ниҳоятда камтарини ва хокисор эди. Афсуски, ўша қаттол замоннинг кўп азоб-уқубатларини чеқди, кўп таъна-дашномларини эшитди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти) ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Колограм" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1341. 44595 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева Мусахҳи: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй